



ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

ВЕСТНИК НУУз

АСТА NUUz

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ**

**ЖУРНАЛ
1997
ЙИЛДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН**

**2022
1/1/2**

**Ижтимоий-
гуманитар
фанлар
туркуми**

Бош муҳаррир:

И.У.МАДЖИДОВ – т.ф.д., профессор.

Бош муҳаррир ўринбосари:

Р.Х.ШИРИНОВА – ф.ф.д., профессор

Таҳрир хайъати:

Сагдуллаев А.С. – т.ф.д., проф.

Аширов А.А. – т.ф.д., проф.

Баллиева Р. – т.ф.д., проф.

Маликов А.М. – т.ф.д., проф.

Юсупова Д.Ю. – т.ф.д., проф.

Муртазаева Р.Х. – т.ф.д., проф. □

Мўминов А.Г. – с.ф.д., проф.

Нишонов О.Ж. – ф.ф.д., проф.

Абдуллаева Н.Б. – ф.ф.д., проф.

Мадаева Ш.О. – ф.ф.д., проф.

Туйчиев Б.Т. – ф.ф.д., проф.

Эргашев И. – ф.ф.д., проф.

Ахмедов Х.А. – с.ф.д.

Мирзаахмедов К.М. – с.ф.ф.д., PhD.

Мухаммедова Д.Г. – пс □ х.д

Болтабоев Ҳ. – фил.ф.д., проф.

Раҳмонов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Жабборов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Сиддикова И.А. – фил.ф.д., проф.

Садуллаева Н.А. – фил.ф.д., доц.

Арустамян Я.Ю. – фил.ф.д., доц.

Пардаев З.А. – фил.ф.ф.д., PhD.

Масъул котиб: **З. МАЖИД**

ТОШКЕНТ – 2022

МУНДАРИЖА

Тарих

Абдуллаев Э. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда Бобурийлар маънавий меросининг аҳамияти ..4	
Bohodirov I, Jurayev B. Turkistonda XIX asr o'rtalarida armiya va harbiy ta'lim (Buxoro misolida).....6	
Йўлдошев А. Қирғизистон ўзбеклари жамоат ташкилотлари тарихига бир назар 10	
Патхиддинов Р. Фарғона вилоятида безгак касаллиги 14	
Раджабов О. Индустрлаштириш йилларида Ўзбекистон темир йўл тизимининг матбуотда ёритилиши..... 17	
Элмуратова Ш. Давлат намоёниси Усмон Юсупов уй-музейининг ташкил этилиши, фаолиятининг муҳим йўналишлари..... 19	

Фалсафа, Педагогика, Методика, Психология, Социология

Abdullayev N. Biologiya va kimyo fanlariga muvofiq tizimli tahlil asosida fizikani o'qitish metodlari23	
Абдуллаева Ч. Оксионализми в рекламном дискурсе26	
Абдуллажанова Д. Влияния социальных стереотипов как фактор женской активности в управлении30	
Алимова М. Маҳалла институти – жамоатчилик назоратининг бир кўриниши34	
Alimova N. Use of innovative methods in teaching world literature use of innovative methods in teaching world literature37	
Aralov M. Talabalarni o'qitishda dasturiy vositalar yordamida kartalar bilan ishlash hamda tizimli yondashuv asosida o'qitishni takomillashtirish40	
Aslanova N. Boshlang'ich sinf o'quvchilarini mutolaaga qiziqitirishda o'yin-mashqlardan foydalanishning afzalliklari.....44	
Ахмаджонов О. Замонавий жамиятда электрон маданиятнинг хусусиятлари47	
Бурханов Х. Рақамли жамиятда миллий сегмент фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари.50	
Valiyeva Sh. The importance of multimedia in education54	
Давидов У. Глобаллашув жараёнида миллий ғоя -мафкуравий таҳдидларни бартараф этиш омили сифатида57	
Зияева М. Лойиҳалаш мустақил таълимни ривожлантиришнинг дидактик воситаси сифатида60	
Ibaydullayeva U. Ota-ona va farzand o'rtasidagi nizoning psixologik omillari63	
Ибрагимов А. Таълимда когнитив тадқиқотлар: назария, шаклланиш ва ривожланиш йўналишлари66	
Ishonxanova I. Umumta'lim maktablarining 6-sinfida alisher navoiy hayoti va ijodining o'rganilishidagi muammolar.....69	
Қандов Б. Глобаллашув жараёнида инсон ҳуқуқлари ва эркинлигининг ижтимоий-фалсафий асослари.....73	
Quvondiqov S. Футбол спорт турида тактика ва тактик тизимларнинг аҳамияти77	
Мирзакулов И. Узлуксиз таълим жараёнида жисмоний тарбия дарслари самарадорлигини ошириш технологияларини такомиллаштириш80	
Мухаметов А. Юқори малакали спорчилар жисмоний қобилиятларини ривожлантириш усуллари.....83	
Мухаммадиев К. Олий таълим муассасаларида жисмоний тарбия жараёни самарадорлигини такомиллаштириш86	
Назаров С. Жисмоний машқлар орқали ўқувчиларда чарчокни олдини олиш воситалари90	
Назирова Қ. Узлуксиз мусиқа таълими тизимига инновацион ёндашув92	
Raurova L., Axmedova M. Oliy filologik ta'limda talabalarining nutqiy kompetentsiyasni rivojlantirishda kredit-modul tizimiga o'tishning amaldagi holati va istiqbollari95	
Raximov V. Talabalarda sog'lom turmush tarzi hayotiy ko'nikmalarini rivojlantirishning didaktik imkoniyatlarini takomillashtirish98	
Раҳманов Б. Миллий ғояни ривожлантириш омиллари101	
Ruziyev A. Brass usulida suzish texnikasini o'rgatish.....105	
Саидова К. Человек как субъект жизни в русской экзистенциальной философии109	
Saidazimova I., Tahirova N. Motivation in foreign language acquisition: analysis of the shift from intrinsic to extrinsic motivation113	
Тошматов А., Рисқулова М. Таълимда мавзулаштирилган видеодаРСликлар яратиш117	
Тоштемирова С. Узлуксиз таълим тизимида тарих фанларни ўқитишнинг педагогик стратегиялари120	
Тўраев Ш., Оймиров С., Мухиддинова М. Менежмент тизимларини сертификатлаштириш органларида хавфларни баҳолашнинг жорий қилишнинг асослари124	
Turakulov O., Halimov O'. Muhandis mutaxassislarida matematik kompetentligini rivojlantirish vositasi sifatida ikki karrali integrallarni hisoblash usullari.....129	
Туракулова А. Вовлеченность родителей в жизнь детей и её последствия для развития ребенка133	
Umarov B. Post modernist methods of teaching foreign language.....136	
Урунова Ш. Инглиз тили ўқитишда терминологик лексикани ўзига хос хусусиятлари139	
Усмонов А. Футбол спорт турида тактика ва тактик тизимларнинг аҳамияти.....142	
Файзиева О. Силовая подготовка в физическом воспитании студентов145	
Xasanova S. Maktabgacha yosh davri bolalarida qo'rquv va xavotirlanish holatlarini yuzaga keltiruvchi omillar149	
Холиқов С. Ўзбекистонда миллатлараро бағрикенглик маданиятини ривожлантиришнинг фалсафий асослари.....152	

Шамсиев Ў. Мактабгача ёшдаги болалар ўзини-ўзи англашига таъсир этувчи муносабатлар	156
Эрмирзаев А. Юкори синф ўқувчиларига инглиз тилида мамлакатшуносликка оид матнларни ўқишни ўргатиш илмий-методик муаммо сифатида	161
Yuldashev U. Bo'lajak mutaxassislarining web-texnologiyalardan foydalanish bo'yicha kasbiy kompetentligini rivojlantirish	165
Филология	
Абдувахобова М. Лингвофольклоршунослик ва Симпсон типологияси: фанлараро муносабатлар	169
Абдуқаҳҳоров С. Қалин ва маҳр атамаларининг лингвокультурологик таҳлили	172
Абраева Ш. Француз тили лексик системасида лотин ва юнон морфемаларининг лингвистик хусусиятлари (тиббий матнлари асосида)	175
Азимова А. К вопросу выражения модальных признаков в корейском языке (на примере форм долженствования).....	178
Аташикова Н. Учет жанровой специфики при отборе профессионально-ориентированного содержания обучения английскому языку студентов-экономистов	181
Ашурова Н. Рисолат Ҳайдарованинг “Жавзо” романида аёллар образи тасвири	185
Барлибоева С. Сиёсий коммуникацияда лингвопрагматик бирликларнинг қўлланилиши	189
Baxridinova E. O'zbek va nemis tillarida kulgi freymi va uni ifodalovchi leksik birliklar	192
Бекмуродова З. Хиазмнинг лингвистик таърифи ва турлари	195
Бердиева Ш. Авторское «я» в маърифий романа «Чулпан» Н.Ф.Каримова.....	198
Ғаниев М. Тарихий романда конфликт(Нурали Қобулнинг “Султоннинг сўнгги кун и ёхуд Амир Сохибқирон ва Тўхтамишхон” романи мисолида).....	202
Gibraltarskaya O. Representation of artistic systems of XX century Russian writers.....	206
Dusanova T. Alisher Navoiyning “Mahbub ul-qulub” asarida nasr va nazm uyg'unligi	209
Ёрматова Ё. Жаҳон тилшунослигида интерференция тушунчаси ва унинг турлари	213
Jumayeva M., Jo'rayeva B. Lingvokulturologiya va etnolingvistika munosabati	217
Jo'rayeva B., Ubaydova N. Qarama-qarshilikning lingvistik aspekti.....	220
Ибрагимов Ш., Рашед Айед Р. Ал Ҳарби. Роль и место гражданской журналистики в общественной жизни Саудовской Аравии	224
Исакова Г. Компонентларни алмаштириш усулининг канотли сўзларда намоён бўлиши	228
Iskandarova D. Semantic structure of food idioms in the English and Uzbek languages.....	231
Каримова Д. Турли фанлар доирасида “ўлим” концептининг мазмуний ифодаланиши	235
Xiaowei Yu. Theoretical foundations of the study of sports terminology.....	238
Мавлонова М. Инглиз тилидан ўзлашган ахборот коммуникация технологиялари терминларини ўзбек тили лексик тизимида график, фонетик, семантик мослашиш жараёнлари.....	241
Мадалиева Д. Философская проблематика романа М.Ю.Лермонтова “Герой нашего времени”	245
Murodova D. Effective language lesson planning.....	248
Отаханова М. “Масофа” ва “ҳажм” лексемаларининг луғавий талкинга доир назарий-фалсафий асослари ва амалий тадқиқот йўналишлари	251
Rasulova N. Toponyms as lexic and semantic, stylistic component expressing color designation in the english language	255
Расулова Н. Тиббий терминларининг айрим ўзига хос хусусиятлари (А.Қосимовнинг «Тиббий терминлар изоҳли луғати»ни ўрганиш юзасидан)	258
Рашед Айед Р. Ал Ҳарби. Формы и методы освещения в СМИ вопросов паломничества и туризма	261
Рустамов Д. Драматик асарлар матнида морфологик бирликларнинг социопрагматик таҳлили	266
Сатимова Д. Инглиз ва ўзбек электрон луғатларида субстандартнинг статистик таҳлили ва унинг таржима муаммолари.....	270
Сафарова Х. Француз тилидан инглиз тилига ўзлашмаларнинг диахрон ва синхрон таҳлили	274
Уралов А. Аффиксоидлар масаласи ва улардаги номутаносибликлар.....	277
Usarova D., Ganapathi N. Problems and methods of translating legal terminology.....	280
Цой Т. Изучение фразеологических сочетаний в корейском языке	283
Эгамбердиева Г. Способы использования гипербола в сказках и дастанах.....	286
Юсупова Г. Корейс ва ўзбек тилларида узр/кечирим сўраш нутқ актининг ифодаланиши.....	290
Юсупова Қ. “Озода ва ёруғ томонда” ҳикоясида қаҳрамонлар руҳияти ўртасидаги муштарақлик	293



УДК: 811.512.133'373.421:81'374

Гуландом МИРХАНОВА,
БухДУПИ ўқитувчиси

БухДУ доценти, PhD М.Б.Ахмедова тақризи асосида

СИНОНИМ СЎЗЛАР ЎҚУВ ЛУҒАТИНИНГ МЕГАҚУРИЛИШИ

Аннотация

Ушбу мақолада ўқув луғатларининг умумий луғатлардан нафақат ҳажми, балки ундаги сўзларнинг танланиш мезонлари, луғат қисмларининг таркиби, жойлашуви – мегаструктураси билан ҳам фарқланиши, синоним ўқув луғатлар луғат мақоласи таркибида лексикографик пометалар (турли қисқартмалар, белгилар)га кам ўрин берилганлиги муҳокама қилинади.

Калит сўзлар: ўқув луғатлари, мегақурилиш, синонимия, луғат корпуси, луғат мегақурилмаси, қисқартмалар.

МЕГАСТРУКТУРА УЧЕБНОГО СЛОВАРЯ СИНОНИМОВ

Аннотация

В статье обсуждается мегаструктура словаря- синонимов, которые отличаются не только объемом, но и критериями выбора слов, составом словарных частей.

Ключевые слова: учебные словари, мегаструктура, синонимия, корпус словарей, мегаструктура словарей, сокращенные.

MEGA STRUCTURE OF SYNONYMOUS DICTIONARIES

Abstract

This article discusses how educational dictionaries differ from general dictionaries not only in size, dictionary selection criteria, polygraphic requirements, design, but also in the composition, location – megastructure of dictionary parts.

Key words: dictionaries, megastructure, synonymous, corpus dictionaries.

Кириш. Маълумки, ўқув луғатлари умумий луғатлардан нафақат ҳажм, сўзликни танлаш мезонлари, унга қўйиладиган полиграфик талаблар, дизайни, балки композицияси, луғат қисмларининг жойлашиш тартиби – мегаструктурасига кўра ҳам фарқланади. Мулоқотнинг энг муҳим воситаси бу – сўз бўлса, фикрни таъсирчан, тўлиқ ва жозибали ифодалашнинг муҳим воситаларидан бири бу – синонимлардир. Тил қанча қадимий бўлса, ундаги синонимлар ҳам шунча қадимий. Синонимлар қадимги юнон тилида *σύν* – “бирга” ва *ὄνομα* “ном” сўзларининг ўзаро бирикувидан юзага келган бўлиб, нутқнинг таъсирчанлигини ошириш, фикрни янада аниқ, жонли, мантикий ва хилма-хил ифодалашнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Синоним сўзларнинг мавжуд илмий адабиётлардаги ишчи таърифида бир туркумга мансуб бўлиши, ёзилиши, талаффузи ҳар хил, аммо маъноси бир хил ёки яқин бўлган сўзлар эканлиги акс этади.

Синонимлик ўта серқирра ҳодиса бўлиб, берилган аксарият таърифлар синонимиянинг моҳиятини ҳар томонлама қамраб олмайди. Тадқиқот ўз олдида ўзбек тилида синонимия ҳодисаси моҳиятини ёритишни мақсад қилиб қўймаган, зеро ўзбек тилшунослигида бу борада қатор тадқиқотлар амалга оширилган ва етарлича хулосаларга келинган. Бироқ ўзбек тили синонимлари ўқув луғати корпусини шакллантириш, сўзликни танлаш ва лексикографик талкин қилиш мезонларини белгилаш билан боғлиқ муаммоли ҳолатлар мавжудлиги боис, асосий тадқиқ объект – синонимлар ўқув луғатини тузишнинг лингвистик хусусиятларини ёритишга киришишдан аввал маънодошлик ҳодисаси, унинг ўрганилиш тарихи, бошқа лексик-семантик парадигмалардан фарқи, синонимик муносабат масаласини пухта тушуниб олиш лозим.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Синонимлар маъновий муносабатга асосланган ёндош лексик-семантик парадигмалар – градуоним, гипероним, гипоним, партонимлардан шаклан ҳар хил, аммо бир тушунчани турли бўёқ ва оттенка туси билан ифодалаши билан фарқланади. Маънодошлик парадигмаси доимо очиқ бўлиб, жамият, давр талаби асосида кераксиз истеъмолдан чиқиб, қатор янгилари билан бойиб бораверади, нутқда маънодошлик қаторлари нутқнинг аташ бирликлари, иборалар, мустақил лексема семемаларининг тури, ясама сўз, сўз бирикмаси, нутқий кўчма сўз билан тўлиб, кенгайиб бораверади. Улар контекстуал синоним сифатида нутқнинг гўзаллиги ва бойлигини таъминловчи восита саналади.

Б.Бахриддинованинг таъкидлашича, ўқув луғатининг умумий тузилиши – мегақурилиши қуйидаги асосий қисмдан ташкил топади:

- 1) кириш;
- 2) ўқув-методик таъминот;
- 3) луғат корпуси;
- 4) илова – луғатдан фойдаланиш қоидалари,

қўлланган шартли қисқартмалар рўйхати, асосий ва ёрдамчи кўрсаткичлар ва бошқалар.

Ўзбек тилида яратилган илк синонимлар ўқув луғати – Азим Ҳожиёвнинг 1963 йилда Тошкентда нашр этилган “Ўзбек тили синонимларининг қисқача луғати” қуйидаги таркибий қисмлардан ташкил топган:

- 1) назарий қисм;
- 2) синонимлар маънолари талқинига бағишланган изоҳ қисм;
- 3) синонимик қаторлар;
- 4) синоним сўзларнинг алфавит тартибдаги рўйхати (мундарижа).

Назарий қисм моҳиятан киришга тўғри келиб, унда луғатнинг яратилишига бўлган зарурат, мақсади,

тузилиши, асосий тамойиллари хусусида сўз боради. Иккинчи, “Синонимлар маънолари талқинига бағишланган изоҳ қисм”да синонимия ҳодисаси, синонимик қатор, кўп маъноли сўзлар синонимлар муносабати, луғат билан ишлаш тартиби ҳақида фикр юритилади. “Синонимик қаторлар” луғатнинг корпусини ташкил этади. Тўртинчи, “Синоним сўзларнинг алфавит тартибидagi рўйхати” қисми луғатдан синонимларни тез ва осон топиш имконини берувчи мундарижа вазифасини бажаради.

Кириш нафақат ўқув луғати, балки ҳар қандай турдаги луғат, илмий асарни очиб, бошлаб берадиган қисмдир. Ўқув луғати мегақурилмаси кириш қисмида узлуксиз таълимнинг қайси бўғини учун мўлжалланганидан келиб чиқиб луғатнинг мақсади, олдига қўйган вазифалари, мазкур луғатни тузишга асос бўлган тамойиллар, шунингдек, луғатдан фойдаланиш тартиби хусусида маълумот берилади. Нисбатан катта ёшли фойдаланувчилар – олий ўқув юрти талабалари учун мўлжалланган аксарият академик ўқув луғатларида “Кириш” бир пайтда луғатнинг ўқув методик таъминоти вазифасини ҳам ўтайди. Яъни шу қисмда луғатдан фойдаланишни қулайлаштириш учун хизмат қилувчи маълумотлар, шартли қисқартмалар ва лексикографик пометаларга изоҳ ҳам берилади. Масалан, А.Ҳожиёвнинг 1974 йилда нашр этилган “Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати” мегақурилиши уч қисм – кириш, сўзлик ва кўрсаткичдан тузилган. Ушбу луғат узлуксиз таълимнинг юқори бўғини – университетлар ва педагогика институтларининг талабалари учун мўлжаллангани сабабли кириш ва луғат устида ишлаш бўйича кўрсатма қисми – ўқув-методик таъминот бирлаштириб юборилган. Шу боис киришда синонимлар ҳақида қисқача маълумот, синонимик қатор ва унинг таркибий тузилиши, луғатнинг характери, луғат мақола тузилиши, луғат билан ишлаш бўйича тушунтиришлар берилган.

Ўқув-услугий қурилма луғатнинг ўқув жараёнига алоқадор эканлигидан дарак берувчи методик таъминот бўлиб, у луғат фойдаланувчисининг таълимнинг қайси босқичида эканидан келиб чиқиб, шу босқич ўқув дастури ва дарсликларига мос ҳолда луғат устида ишлаш кўникмаларини шакллантириш, лексикографик компетентлиқни ошириш вазифасини бажаради. Масалан, А.А.Семеновнинг мактаблар, гимназиялар, лицейларнинг 5-11-синф ўқувчилари учун мўлжалланган машҳур “Школьный словарь синонимов русского языка” (2013) луғати ўқув-услугий қурилмасида луғатнинг мақсади – ўқувчиларнинг сўз бойлигини ошириш, нотикликка ўргатиш, фикрни аниқ ва таъсирчан ифодалаш, турли нутқий вазият талабидан келиб чиқиб синонимлардан мосини тўғри ва ўринли қўллашга қаратилган машқ ва топшириқлар тизими жой олган. Шунингдек, луғатда қўлланган услубий пометалар, шартли қисқартмалар, иллюстратив материалларга шарҳ берилган.

Тадқиқот методологияси. Ўқув-методик қурилма – ўқув луғатини характерлайдиган муҳим белгилардан бири. Б.Баҳриддинова унга қуйидагича изоҳ беради: “Ўқув луғатининг методик қурилмаси деганда нима назарда тутилади? Маълумки, бугунги ўта шиддаткор ва ахборот манбаларининг сон-саноксиз турлари мисли кўрилмаган даражада тараккий этган бир даврда зарур маълумотни тез ва қулай излаб топа билиш ҳам замонавий шахснинг муҳим кўрсаткичидан бири ҳисобланади. Луғатдан самарали фойдалана билиш учун ўқувчи луғат устида ишлаш кўникмасига эга бўлиши лозим. Ўқув-методик қурилма ўқув луғатининг илмий-методик асосини ташкил этади, уни ҳар қандай кичик ҳажмли чўнтак луғати, турли мақсадда тузилган справочник-луғатлардан фарқлайди, луғатни максимал даражада ўқув

жараёнига мослаштиради. Унда луғат корпуси, луғат мақоланинг таркибий тузилмаси, лексикографик символика ҳақидаги маълумот билан бирга луғат билан ишлашга доир машқ ва топшириқлар ҳам илова қилинади”.

Ўзбек тилида мактаб ўқувчилари учун тузилган синоним луғатлар, хусусан, О.Шукуров ва Б.Бойматоваларнинг “Ўзбек тилининг маънодош сўзлар ўқув луғати”да кириш “Сўз боши” мавзуси остида берилиб, унда луғатни тузиш зарурати хусусида сўз борган ҳолда ўқув-услугий таъминот “Тузувчилардан” сарлавҳаси остида келтирилади. Ушбу қисмда луғат характеристикаси, сўзликни тақдим қилиш тартиби, шу типдаги бошқа луғатлардан фарқи, луғатда ишлатилган шартли белгилар хусусида маълумот берилади: “Ушбу қўлланма ўзбек тилининг маънодош сўзлар ўқув луғати бўлиб, унда сўзлар маънодошлиги алифбо тартибидан нутқий мисолларсиз синонимик қатор ҳолида берилди:

Адолат [а], одиллик, адл [а]

Адолатли, одил [а]

Адолатсизлик, ҳақсизлик, бедодлик

Адоват [а], кек, хусумат [а].

Шунингдек, ўтган асрнинг охирларига қадар сўзлараро маъновий муносабатлар синонимия ва антонимия билан чегараланиб қолгани, систем таҳлил усули асосида олиб борилган кейинги кузатишларда тилда маъновий муносабат ранг-баранг эканлиги ойдинлашгани, уларнинг градуонимия, гипонимия, партонимия, функционимия, иерархионимия каби турлари аниқлангани, ушбу луғат аввалги луғатлардан сўзликни шакллантиришда мазкур муносабатлардан синонимларни ажратиш олиши билан фарқланиши изоҳланади: “Луғавий маънодошлик семемаси таркибидagi аташ ва вазифа семалари бир хил, ифода семалари ҳар хил бўлган, бир турдаги нарс-буюм, белги-хусусият, ҳаракат-ҳолатни ифодаловчи лексемалараро муносабатдир. Даражаланиш эса умумий аташ семалари бир хил, лекин маълум бир семанинг турли даражасини ифодаловчи лексемалардир. Бундан ташқари, маънодошлик ва даражаланиш орасидаги иккинчи фарқ шундаки, маънодошлик қаторидаги лексемалар ўзаро ифода семалари билан фарқланса, даражаланиш қаторида бу шарт бўлмайди. Шунга кўра маънодош сифатида қараб келинган кўпгина даражаланган сўзлар алоҳида муносабат тизими сифатида қаралиб, мазкур луғатдан четда қолди”.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, ўзбек тилида тузилган ўқув синонимик луғатларнинг деярли барчасида луғат турига аниқ ишора қилиб турувчи қисм – ўқув методик қурилма ўқув луғатчилигининг талабларига тўла жавоб бермайди. Аниқроғи, тилшунослигимизда бу турдаги луғатларнинг методик таъминоти ҳали тўлиқ яратилмаган. Юқорида ўзбек синоним луғатчилиги энг мукамал намунаси сифатида эътироф этилган А.Ҳожиёвнинг синонимлар луғати ҳам фойдаланувчининг луғат устида ишлашига амалий ёрдам берувчи услубий кўрсатмага эга эмас. Бу, албатта, тилшунослигимиз олдида турган лингводидактик тадқиқотлар, педагогик лексикография йўналишлари тараккиёти билан боғлиқ вазифалардандир.

Луғат корпуси луғатдаги барча луғат мақолалар тўплами бўлиб, луғат мегақурилмасининг асосий қисми ҳисобланади. Манбаларда келтирилишича, корпус луғатнинг 90-98 фоизини ташкил қилади. Синоним луғатлар корпуси, одатда, алфавит тартибига асосланган синонимик қаторлардан ташкил топади. Синоним луғатлар камрови сўз эмас, синоним қаторлар сони билан белгиланади. Ҳар бир синонимик қатор алоҳида луғат мақолага тенг келади ва бир неча ички қурилмалар асосида шаклланади.

Таҳлил ва натижалар. Замонавий ўқув синонимик луғатларда луғат мақола қуйидаги таркибий қисмлардан ташкил топади:

- синонимлар қатори;
- қаторнинг умумий шарҳи, лексикографик изоҳ;
- иллюстратив материал.

А.Ҳожиёв ўз луғатига шарҳ берар экан, луғат мақоланинг қуйидаги қисмлардан иборат эканлигига урғу беради:

- 1) синонимик қатор;
- 2) синонимик қатор учун умумий бўлган маънонинг изоҳи;
- 3) синонимик қатордаги ҳар бир сўзга хос хусусиятнинг таърифи;
- 4) синонимик қатор ва ҳар бир синонимга берилган таърифни тасдиқловчи мисол-цитаталар.

“Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати”нинг бошқа синоним луғатлардан афзаллиги шундаки, у қатордаги ҳар бир синоним лексемага хос ифода семаларини алоҳида шарҳлайди.

Синонимик қатор (маънодошлик қатори, синонимик парадигма, маънодошлик парадигмаси) – икки ёки ундан ортиқ маънодош бирликларнинг ўзаро ички муносабатлари асосида тартибланган қатори. Синонимлар қатори – ўринлашуви қўлланиш даражаси ва услубий нозикликларига асосланган лексик ва фразеологик синонимлар қатори.

Маънодошлик қаторидаги синонимлар ифода семаси – ижобий ёки салбий муносабат билдириши; қўлланиш даврига кўра “эскирган” (тарихий ёки архаик), “янги”, “ўта янги”; қўлланилиш доирасига кўра “шевага хос”, “сўзлашувга хос”, “китобий”, “тантанавор” ва бошқа семаларга кўра ўзаро фаркланади.

Луғатда таъкидланганидек, маънодошлик парадигмасининг умумий хусусиятларидан бири бу қаторларнинг битта бош лексема – доминанта атрофида бириктирилиши, маънодошлик қуршови ҳосил қилиши билан боғлиқ. Доминанта семаси таркибидаги ифода семалари маънодошлик қаторидаги бошқа синонимларнинг ифода семаларига нисбатан бефарқ (нейтрал) бўлади.

“Ўзбек тили систем лексикологияси асослари” китоби муаллифлари доминантанинг қуйидаги белгиларига диққат қаратадилар:

- 1) мазмунининг қатордаги бошқа барча синонимларниқига нисбатан камбағалроқ, юзакироқ бўлиши;
- 2) қўлланиш доираси ва миқдори бошқа маънодошларниқига нисбатан кенг ва кўп бўлиши;
- 3) нутқ шароити талаби билан исталган вақтда ўз маъно гуруҳидаги барча сўзларни алмаштира олиши;
- 4) муайян қўшимча воситалар билан ўз қаторидаги лексемаларнинг қўшимча ифода семаларини англата олиши;

5) энг муҳими, маънодошликка нисбатан каттароқ бўлган лексик парадигмага – лексемаларнинг мазмун гуруҳлари таркибига шу маънодошлик қаторидаги фақат доминанта лексемага кириши

Маълумки, синонимик парадигма доимо очик. Шу боис даврдан-даврга синоним луғатлар сўзлиги – синонимик қаторлар, биринчидан, давр тақозоси, нутқ, жамият талаби асосида кераксиз истеъмолдан чиқиб, янгилари билан бойиб, иккинчидан, нутқнинг аташ бирликлари, иборалар, мустақил лексема семемаларининг тури, ясама сўз, сўз бирикмаси, нутқий кўчма маънолари билан боғланиб, ўз қаторини нутқий маънодошлик (контекстуал синоним) воситалари билан кенгайтириб боради. Луғат фойдаланувчисининг ёшидан келиб чиқиб, изоҳда қаторда келтирилган ҳар бир лексеманинг ифода семаларига алоҳида шарҳ берилиши ҳам мумкин.

Дарҳақиқат, луғат мегақурилишида луғат тури ҳам муҳим роль ўйнайди. Масалан, О.Гайбаряннинг юқорида тилга олинган синонимлар ўқув луғати мегақурилмаси кириш, методик таъминот, кўрсаткичлар ва корпусдан ташкил топади.

Кўрсаткичлар қисми бошқа луғатларда учрамайди, бу қисм синоним ўқув луғатларининг янги авлодига хос деб айтолмаймиз. Сабаби кўпгина тилларда тузилган синоним луғатлар, жумладан, А.Ҳожиёвнинг синонимлар луғати мегақурилишида ҳам бу қисм алоҳида берилди.

Корпус синонимик қаторлардан иборат бўлиб, луғатнинг макроқурилишини, ҳар бир синонимик қатор эса алоҳида луғат мақолага тенг келиб, луғатнинг микроқурилишини ташкил қилади. Ўз навбатида луғат мақола ҳам алоҳида тизим сифатида – синонимлар қатори, қаторнинг умумий шарҳи, қатордаги ҳар бир синоним лексеманинг лексикографик изоҳи ҳамда иллюстратив материалдан иборат тузилма ҳисобланади. Қаторда синонимларнинг жойлашуви асосида синонимлар ифода семаси, қўлланиш даври, қўлланилиш доираси, истеъмол даражаси, услубий бўёғи ва бошқалар ётади.

Хулоса ва таклифлар. Синоним ўқув луғатлар луғат мақоласи таркибида, одатда, грамматик изоҳ (сўз туркуми, грамматик шакли, вариантлари), лексикографик пометалар (турли қисқартмалар, белгилар)га кам ўрин берилади. Ўзбек тилшунослигида синонимик муносабатларни тўлиқ ва атрофлича ўрганиш, синонимлар семемаси таркибидаги ифода семаларини аниқлаш, синонимларни замонавий лингвистик парадигмалар – когнитив, психологик, ассоциатив, лингводидактик назариялар асосида тадқиқ қилиш, шу асосда ўзбек тили синонимларининг академик луғатини қайта қўриб чиқиш, умумий ва ўқув луғатларда синонимларнинг лексикографик талқини муаммосини ёритиш олдимизда турган долзарб вазифалардан ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР

1. Баҳриддинова Б.М. Ўзбекистонда ўқув луғатчилиги: лингвистик асослари, тарихи ва истиқболлари: Филол.фан... доктори (DSc) дисс. – Самарқанд. 2020., –252 б.
2. Гайбарян О.Е. Учебный словарь синонимов русского языка. –Москва: [Феникс](https://www.labirint.ru/books/216914/), 2011. 414 с. <https://www.labirint.ru/books/216914/>.
3. Менглиев Б.Р. Ҳозирги ўзбек тили. Дарслик. – Тошкент: Тафаккур бўстони, 2018. – 200 б.
4. Семенюк А.А., Семенюк И.А. Школьный словарь синонимов русского языка. – Москва: Русское слово – учебник. 2013, 590 с.
5. Структура словаря. <http://lab314.brsu.by/kmplite/kmp2/OTT/tLecture/tDictEntry>
6. Ҳожиёв А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. –Т.: Ўқитувчи, 1974. – 212.